Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 140 (6001).

20 ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА
1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



Ленин ордени кавалери Адолат Рўзиматова бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари юбилей йилида ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Ҳозир Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг бу бригадаси далаларида ғўза парвариши намунали олиб бориляпти. Суратда: бригада пахтазорларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ғўзаларни дорилаш пайти.

М. Қорабеков фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ, ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ҲАМДА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд этадики, республика партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, колхозлари, совхозлари ва корхоналари камида 5 миллион 360 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан юбилей йилида олинган социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш соҳасида катта ташкилотчилик иши олиб бормоқдалар. Ҳосилнинг 70 процентгача бўлган қисмини пахта териш техникаси ёрдамида териб олиш вазифаси қўйилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори ва КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари, янги Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг ғайрат шижоатини жўш урдириб юборди.

Партия билан ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан республика колхоз ва совхозлари ғўза парваришига оид ҳамма ишларни энг яхши муддатларда юқори сифатли қилиб олиб бормоқдалар. Асосий диққат-эътибор қатор ораларини юқори сифатли юмшатишга, ғўзани суғоришга, сувни тежаб-тергашга, минерал ўғитлар билан озиқлантиришни эрта муддатларда тугаллашга, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашишга қаратилган. Бу тадбирлар кўпроқ ҳосил тўплашга ёрдам беради.

Айни вақтда ўрим техникасининг, транспорт воситаларини, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Механизатор кадрлар тайёрланмоқда.

Бир қанча областларда ўрим техникасини ремонт қилиш ишлари яхши ташкил этилган. Жиззах, Ленин йўли, Оққўрғон, Куйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Нишон, Усмон Юсупов районларида ва бошқа бир қанча жойларда пахта териш машиналари теримга асосан шай қилиб қўйилган.

Шу билан бирга кўпгина район ва хўжаликларда ғўза парвариши ишларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳамда янги ҳосилни териб олишга ва тайёрлашга ҳозирлик кўришда камчиликларга ҳамон йўл қўйиб келинмоқда.

Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона областларининг кўпгина хўжаликлари ҳаво жуда иссиқ бўлишига, сув етарли эканлигига қарамай ғўзани суст суръатлар билан суғормоқдалар. Группа-группа бўлиб ва тунги пайтларда суғориш ташкил этилмаган, сувчилар етарли равишда ажратиб қўйилмаяпти, суғориш техникаси ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Айрим ҳолларда хўжаликлар культивацияни кечиктириб юбормоқдалар, минерал ўғит солиш пайтида муддатларга, тўйимли элементларнинг нормалари ва нисбатига эътибор бўшаштириб юборилган. органик ўғитларни қўлланишга дуруст эътибор берилмаяпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириш учун ерда ишлатиладиган аппаратлардан етарли равишда фойдаланилмаяпти.

Бир қанча колхоз ва совхозларда ғўзани аниқ мақсадни кўзлаб парвариш қилишга, пахта териш машиналарининг серунум ишлаши учун шароит яратишга тузук эътибор берилмаётир.

Бир қанча областларда пахта териш техникаси ремонти ва уни тайёрлаш паст суръатларда олиб борилмоқда. 1 июлгача бўлган маълумотларга қараганда Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах ва Самарқанд областларининг колхоз, совхозларида машиналарнинг атиги 23—55 проценти шай қилиб қўйилган. «Узсельхозтехника»нинг кўпгина корхоналарида иш қониқарсиз ташкил этилган, ремонт сифатининг паст бўлиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ремонт корхоналари, колхоз ва совхозларни запас қисмлар ва бошқа материаллар билан таъминлаш учун етарли чоралар кўрилмаётир.

Бир қанча область ва районларда механизатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга дуруст эътибор берилмаётир. Қорақалпоғистон АССРда ҳали 3800, Бухоро областида 2800, Самарқанд областида 5000, Сурхондарё областида 2600 ва Сирдарё областида 3000 механизатор тайёрлангани йўқ.

Кўпгина колхоз ва совхозларда дефолиация ўтказиш учун аэродромларни ва ерда ишлатиладиган аппаратларни тайёрлаш, кўчалар, кўприклар, хирмонлар, майдончаларни ва тош-торозиларни ремонт қилиш чўзиб юборилмоқда. Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси самолёт ва верталётларни ўз вақтида бермаётганлигини кўрсатувчи айрим фактлар бор. Авиация ёрдамида дорилаш ишларининг сифати паст бўлишига йўл қўйилмоқда.

Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё областларида тайёрлов пунктларини янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрлаш суст суръатлар билан олиб борилмоқда.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси техника, лаборатория, асбоб-ускуналарни, қуритиш-тозалаш цехларининг асбоб-ускуналарини ремонт қилиш учун асосий номенклатурадаги запас қисмларни республика пахта заводларига ўз вақтида етказиб бермаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозларни, совхозларни, тайёрлов пунктларини ҳамда пахта заводларини 1977 йил пахта ҳосилини териш ва қабул қилишга ўз вақтида тайёрлаш мақсадида қарор қилдилар:

Ғўзани парвариш қилиш, суғоришни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш соҳасидаги, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириш ишларини кучайтириш область ва район партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ва район ижроия комитетларининг, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги, пахта тозалаш саноати министрликларининг, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» ва уларнинг жойлардаги органларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин. Бу йил сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши керак. Пахтакорларнинг куч-ғайрати юбилей йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригада бажара олишини таъминлайдиган ҳосил етиштириш ва тўплашга, шунингдек пахтани йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш соҳасидаги ҳамма тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга қаратилиши керак.

Шу мақсадда:

Толасининг сифати юқори бўлган пахта ҳосилини барвақт етиштириш учун ғўза парваришини кучайтиришда агротехника тадбирлари комплекси белгиланиб, амалга оширилсин;

пахта териш техникаси ремонтининг суръатлари кучайтирилсин ва сифати яхшилансин. Пахта териш машиналари 15 августгача тўла-тўкис шай қилиб қўйилсин ва улар икки сменада ишлаш учун механик-ҳайдовчилар билан таъминлансин, транспорт тракторлари, прицеплар, погрузчиклар тайёрлаб қўйилсин, тўкилган пахтани терадиган механизмлар, кўсак чувиш машиналари, кўсак узиш машиналари, техника хизмати ва ёнилғи қуйиш воситалари 20 августгача шай қилиб қўйилсин;

терим техникасига техника хизмати кўрсатишни ташкил этиш тадбирлари амалга оширилсин, далада бузилиб қолган машиналарни тузатиш учун созловчи мастерлар звенолари ва бригадаларини тузиш ниҳоясига етказилсин, бу звено ва бригадаларга хизмат кўрсатиш воситалари зарур миқдорда бериб қўйилсин, узел ва агрегатларни айирбошлаш фонди ташкил қилинсин. Ҳамма жойда механик-ҳайдовчиларнинг малакаси оширилсин, уларга техникадан юксак унум билан фойдаланиш борасидаги илғор усуллар ўргатилсин;

аэродромларни тайёрлаш, дефолиантларни ташиб келтириш, дефолиацияни ўтказиш учун кадрлар танлаш ва ўқитиш, мавжуд асфальтланган майдончалар, автомобиль тарозилари, хўжалик ичидаги йўллар, кўприкларни ремонт қилиш ва янгиларини қуриш, ёқилғи-мойлаш материалларини зарур миқдорда ташиб келтириш ўз вақтида таъминлансин;

10 августгача тайёрлов пунктлари ва пахта заводлари 1977 йилги пахта ҳосилини қабул қилиш ҳамда қайта ишлашга тахт қилиб қўйилсин;

1 сентябрга қадар янги пахта сушилкаларини қуриш ва мавжудларини ремонт қилиш тугаллансин ҳамда улар зарур миқдорда ёқилғи билан таъминлансин;

ремонт ишларида банд бўлган механизаторларга, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига, пахта терувчиларга, ғўзани дефолиация қиладиган самолётларнинг экипажларига маданий-маиший шароитлар яратиб берилсин:

колхоз ва совхозларда мактабгача болалар муассасаларининг иши йўлга қўйилсин;

15 августдан 20 августга қадар районлар ва хўжаликлар ўртасида пахта териш ва тайёрлашга қандай тайёргарлик кўрилганлиги ўзаро текширишдан ўтказилсин, камчиликлар топилган тақдирда уларни тугатиш чоралари кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, пахта тозалаш саноати ва тайёрлаш министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига:

Юқори сифатли пахта териш ва тайёрлашни ташкил этишнинг давлат нуқтаи назардан муҳимлиги тўғрисида пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, теримчилар, бригада бошлиқлари ва тайёрлов пунктларининг ходимлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, хом пахтани теришга ва унинг ифлосланишига йўл қўймай топширилаётган ҳамда тайёрланаётган пахтанинг сифати учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

машинада терилган пахтанинг ифлосланишини камайтирганлик, давлатга юқори сифатли пахта топширилишини таъминлаганлик учун тўланадиган 50 процентли устама ҳақдан фойдаланиб, пахтани машина билан теришда бевосита банд бўлган пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, ходимларни мукофотлашни кенг қўллаш таклиф этилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига ремонт корхоналарини, колхоз ва совхозларни пахта териш техникаси, транспорт ҳамда юк ортиш-тушириш воситаларини ўз вақтида тахт қилиб қўйиш учун зарур запас қисмлар ва ремонт материаллари билан таъминлаш, дефолиантларни, махсус кийим-кечак ва ҳимоя воситаларини ўз вақтида ташиб келтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

«Союзмашхлопководство» бирлашмасига йиғим-терим техникасининг запас қисмлари юзасидан уч квартал фондларини «Узсельхозтехника» билан келишиб олинган муддатларда ва номенклатурада барвақт етказиб бериш чораларини кўриш, шунингдек йиғим-терим техникасига қўшимча миқдорда запас қисмлар жўнатиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф этилди.

1 сентябрга қадар ҳосилни яруслаб терадиган 18 та ХВА—1,2 маркали ва уруғлик пахтани теришда ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш учун 12 та ХВБ—1,8 маркали пахта териш машинасини, ингичка толали пахтани териш учун мўлжалланган 230 та ХВН—1,2 маркали пахта териш машинаси ишлаб чиқариш ҳамда республика хўжаликларига етказиб бериш таъминлансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда йиғим-терим бошлангунга қадар ингичка толали пахта навларини терадиган машиналарда ишлаш учун 230 механик-ҳайдовчини «Ташсельмаш» заводида ўқитишни таъминлаш топширилди.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси олдига республика пахта заводларини йиллик фонднинг камида 70 проценти ҳажмида запас қисмлар билан таъминлаш; тайёрлов пунктларини механизациялаш воситаларининг запас қисмлари билан — 1 августга қадар; асосий технология асбоб-ускуналари ҳамда қуритиш—тозалаш цехларининг асбоб-ускуналарининг запас қисмлари билан — 10 августга қадар таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон ССР Главнефтеснабсбитга, «Узсельхозтехника» бирлашмасига ўрим-йиғим техникасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида колхоз ва совхозларда йиғим-терим ишлари бошлангунга қадар ёнилғи-мойлаш материалларининг зарур запасларини вужудга келтиришни назарда тутиб, ҳосил йиғим-терими эҳтиёжлари учун ана шу материалларни ташиб келтириш тўғрисидаги масалани қўшимча равишда кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига ўртага қўйилган вазифани сўзсиз бажаришни — ҳосилнинг 70 процентини машиналар билан териб олишни таъминлайдиган миқдордаги участкаларни пахтани машинада териш учун ўз вақтида ажратиб бериш таклиф қилинди. Қорақалпоғистон АССР ҳамда республика областлари учун ғўзани дефолиация қилиш юзасидан топшириқлар белгиланди. Ғўза дефолиациясида ердаги аппаратлардан тўлароқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин, бунинг учун ҳар бир ОВХ—14 машинаси пухта тахт қилиб қўйилсин, шу туфайли айниқса аҳоли пунктларига туташиб кетган зоналардан мумкин қадар кўпроқ самолётларни бошқа жойларда ишлатиш имкони яратилсин.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг буюртмасига биноан дефолиацияни ўтказиш учун зарур миқдорда АН—2 самолётлари ва вертолётларини ажратиб берсин, командировка қилинган самолётлар ёнилғи билан таъминлансин. Белгиланган дефолиация қоидаларига қаттиқ риоя этилиши, ишнинг юксак сифатли бўлиши ва самолётлардан юқори унум билан фойдаланишнинг таъминланиши, хавфсизлик техникаси шарт-шароитлари бажарилиши самолёт экипажлари командирларидан талаб қилинсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, саноат корхоналари ҳамда қурилишларнинг партия ташкилотлари пахта териш техникасини ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилишда, пахта йиғим-терими ва уни тайёрлаш даврида ана шу техника ва цехларга техникавий хизмат кўрсатишда колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларига оталиқ ёрдами бериш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш саноати министрликларига ва уларнинг жойлардаги органларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига:

ғўзанинг дала апробациясининг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишини ташкил қилиш ва апробация натижаларига қараб уруғлик пахта териб топшириш топшириғини белгилаш;

уруғлик чигит экилган далаларни дефолиация ва десикация қилишни уруғлик пахта териб бўлинганидан кейин ўтказиш;

уруғлик пахтани териш, топшириш ва қабул қилишни таъминлаш учун колхозлар, совхозлар, тайёрлаш ташкилотлари раҳбарларининг ҳамда мутахассисларининг ва пахтачилик бригадалари бошлиқларининг масъулиятини ошириш;

ҳосилни яруслаб терадиган машиналарни уруғлик пахта териш чоғида ишлаб чиқариш синовидан ўтказишни ташкил қилиш;

уруғлик пахтани ўз вақтида юқори сифатли тайёрлаш, тозалаш ва уни асраш қоидаларига қаттиқ амал қилинишини таъминлаш;

уруғлик пахта сифатини ошириш мақсадида уни қўлда терган чоғда техникавий хом ашёни териш учун қабул қилинган нормадан 20—25 процент камроқ норма белгилашни совхоз директорларининг зиммасига юклаш ҳамда колхоз правлениеларига тавсия этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш саноати министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», СССР Госстандартининг республика бошкармаси ва Тошкентдаги «Эталон» заводи колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларида тош-торози ва ўлчаш асбобларини 15 августга қадар ремонтдан чиқариб, тамғалаб бўлишлари шарт.

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги билан «Узсельхозтехника» бирлашмаси республика колхоз ва совхозларида этак ҳамда қоп-қанорларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлашлари керак.

Ўзбекбирлашувга, Ўзбекистон ССР савдо министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига безмен тарозиларни, пахтани қуритиш учун кўмирни, шунингдек пахта териш ва тайёрлаш даврида қишлоққа зарур бўлган кийим-кечак, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа молларни зарур миқдорда ва ўз вақтида етказиб бериш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлиги ва маҳаллий саноат министрлиги пахта йиғим-терими кампанияси даврида аҳолига зарур бўлган безмен тарозиларни, бошқа буюмларни ўз вақтида ишлаб чиқарилишини ташкил этиб, уларни 1977 йилги фонд ҳисобидан етказиб беришни жадаллаштирсинлар.

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш саноати министрликлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига, 20 августга қадар автомобиль йўллари ва кўприкларни, шунингдек колхозларга, совхозларга ҳамда тайёрлов пунктларига бориладиган шох йўлларни ремонт қилиш топширилди.

Қарорда Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига 20 августга қадар барча колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларида ёнғин хавфсизлигининг аҳволини ҳамда давлат ёнғинга қарши назорат органлари тавсия қилган тадбирларнинг бажарилишини текшириб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР маданият, аҳолига маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, алоқа министрликларига йиғим-теримда ва пахта тайёрлашда банд бўлган колхозчиларга, совхоз ишчилари ва бошқа ходимларга намунали хизмат кўрсатилишини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш топширилди.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ва уларнинг жойлардаги органлари касаба союз органлари билан биргаликда колхозлар ва совхозлардаги ишга яроқли аҳолининг ҳаммасини йиғим-теримнинг дастлабки куниданоқ пахта теримига жалб этиш тадбирларини биргаликда ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари, ҳар бир механик-ҳайдовчи, ҳар бир теримчи кунлик нормани тўла ва ортиғи билан бажариши учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишлари керак. Колхоз ва совхозларга пахта йиғим-теримида банд бўлган механизаторларни, ишчиларни ва колхозчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларини кенг қўллаш тавсия этилди.

Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзининг республика, область ва район комитетларига совхоз ишчилари, колхоз ва совхозларнинг механизаторларига меҳнат ҳақи тўлашнинг белгиланган тартиби тўғри қўлланиши ва ҳосилни йиғиштириб олиш пайтида иш ҳақи юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб турилиши, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш, дефолиантлар билан иш кўрган чоғда техника хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидаларига риоя қилиниши ва пахта терадиган техника ҳамда механизмлардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши устидан контроль қилишни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети пахта терадиган техника механик-ҳайдовчиларини тайёрлашда, йиғим-терим ишларини ва янги пахта ҳосилини тайёрлашни юқори сифатли ўтказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришда комсомол ташкилотларининг актив иштирокини таъминлаши керак.

Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар, колхозлар, илғор механизаторлар ва теримчиларни ҳосилни юксак суръатлар билан ва юқори сифатли териб олиб, давлатга топширишларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини таъсис этишга қарор қилинди:

а) иккита Қизил байроқ — Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун;

б) тўртта Қизил байроқ — районлар учун, шундан биттаси давлатга ингичка толали пахта топширадиган районларни рағбатлантириш учун, яна битта Қизил байроқ қўриқ ерлардаги районларни рағбатлантириш учун;

в) учта Қизил байроқ — совхозлар учун, шундан биттаси қўриқ ердаги совхозларни рағбатлантириш учун, яна биттаси ингичка толали пахта топширадиган совхозлар учун;

г) иккита Қизил байроқ— колхозлар учун, шундан биттаси ингичка толали пахта топширадиган колхозлар учун.

Кўчма Қизил байроқлар сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги якунларидан бошлаб ҳар 10 кунда бир марта бериб турилади. Қизил байроқлар берилган чоғда пахта тайёрлаш планининг бажарилиши, тайёрлаш суръатлари, тайёрланаётган пахтанинг сифати, машина терими планининг ва уруғлик пахта териш ва топшириш планларининг бажарилиши ҳисобга олинади.

Ингичка толали пахта етиштириш планларига эга бўлган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Наманган областлари бўйича сентябрь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида Қизил байроқларни бериш чоғида ўрта толали пахта бўйичагина кўрсаткичлар ҳисобга олинсин.

Қорақалпоғистон АССР ва областларга кўчма Қизил байроқларни топшириш билан бир маҳалда илғор хўжаликларга сотиш учун иккитадан юк автомобили; меҳнат унумдорлиги ва сифатли пахта териш юзасидан энг яхши кўрсаткичларга эришган пахта терадиган машиналарнинг механик-ҳайдовчиларига сотиш учун тўрттадан енгил автомашина ва мукофотлаш учун икки минг сўмдан пул; районларга— илғор хўжаликларга сотиш учун биттадан юк автомобили, энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; совхозларга —энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул ҳамда колхозларга—энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилсин.

Теримдаги ва давлатга ингичка толали пахта топширишдаги юксак суръатлари учун кўчма Қизил байроқлар берилган районлар, колхозлар ва совхозларга мукофотлар қуйидагича белгилансин: районларга —илғор хўжаликларга сотиш учун биттадан юк автомашинаси, пахта терадиган машиналарнинг энг яхши механик-ҳайдовчиларига сотиш учун учтадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 700 сўмдан пул; совхозларга —энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина, илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; колхозларга —энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун икитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул берилсин. Мазкур енгил автомобиллар пахта терадиган машиналарнинг энг яхши механик-ҳайдовчиларига матлубот кооперацияси йўли билан бозор фондидан сотилсин.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига пахта йиғим-терими бўйича илғор районлар, колхозлар ва совхозларга топшириш учун кўчма Қизил байроқларни таъсис этиш, шунингдек ғўзани дефолиация қилиш даврида қатнашадиган самолётлар ва ердаги агрегатларнинг экипажларини рағбатлантириш тадбирларини кўзда тутиш тавсия қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига газеталарнинг саҳифаларида, телевидение ва радиода йиғим-теримга тайёргарлик ва пахта териминининг боришини, янги ҳосилни териб олиш ва топширишнинг боришини мунтазам равишда ёритиш таклиф қилинди. Республика газеталари саҳифаларида Ҳурмат тахтаси таъсис этилиб, унга пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган областлар ва районлар ёзиб борилсин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, колхоз ва совхозлар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ва уни ўз вақтида, юқори сифатли ўтказишни таъминлайдилар ҳамда юбилей йилида давлатга 5 миллион 360 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун барча тадбирларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхоз пахтакорлари ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигида фаол қатнашмоқдалар. Ҳамма участка ва бригадаларда Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақа кенг қизиб кетди. Деҳқонлар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 3-4 тадан кўсак етилди. Исмоил Қўшоқов бошлиқ бригада аъзолари ой охиригача ғўзани яна 1,5—2 марта комплекс парвариш қилиш учун курашмоқдалар.

А. АКБАРОВ,

●

ПИСКЕНТ. 2-«Пискент» совхозининг Турсун Арслонов бошлиқ звеноси аъзолари кундалик топшириқни ортиғи билан бажаришмоқда. Деҳқонлар 44 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Зиммага олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун барча ишчи кучи ва техника сафарбар этилган. Ғўзалар ҳозиргача 4 марта культивациядан чиқарилди. 3 марта сув берилди. Чеканка ҳам тамомланди. Бу иш машиналар ёрдамида, юқори агротехника талабларига мувофиқ тез ва сифатли ўтказилди. Звено аъзолари ҳосилни ёрдамчиларсиз йиғиб териб олишга тайёргарлик кўришмоқда.

Р. КОЗИМОВ.

●

ЧИНОЗ. «Қизил Октябрь» колхозида бажарилаётган ишнинг сифати устидан қаттиқ контроллик ўрнатилган. Сувчилардан Мойлибой Жумонов, Ҳасанбой Йўлдошев, Тошкентбой Аҳмедов, Холиқул Жўраев каби ўртоқлар ҳар литр сувдан тежаб фойдаланмоқдалар. Улар суғоришни икки сменада ташкил этганликлари туфайли ғўзалар сувга қонмоқда.

Р. НАЗАРҚОСИМОВ
Д. ШАРИПОВА.

ТАМАРА ШОҒИЁСОВА БРИГАДАСИДА

Оржоникидзе районидаги хўжаликларнинг юбилей йилида маккажўхоридан юқори ҳосил олиш учун курашаётган комсомол ёшлар бригадаларининг 17 раҳбари «Коммунист» колхозининг Тамара Шоғиёсова бошлиқ бригада далаларида бўлишди. Маккажўхорикорлар экинни кўздан кечириб, мўл ҳосил миришкорлари амалга ошираётган агротехника тадбирлари билан танишиб чиқдилар.

Шоғиёсова бошлиқ бригада бу йил 93 гектар майдонда дала маликасини етиштирмоқда. Деҳқонлар юксак марраларни мўлжаллашди. Гектаридан 120 центнер — мажбуриятда илгари мўлжалланганидан 10 центнер кўп дон олишга аҳд қилинган. Бригаданинг далалари сизот сувлари юза бўлган заҳкаш ерда жойлашган. Шунинг учун бегона ўтлар тез бош кўтаради. Бу қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Эндиликда ана шу қийинчиликлар кейинда қолди. Маккажўхорининг баландлиги икки ярим, уч метр келади. Ҳар гектар ерда эса, 52 минг туп кўчат қолдирилган. Бу йил бу ерда экин янги усулда жойлаштирилди: 32 қатор маккажўхоридан кейин 8 қатор хашаки лавлаги экилди. Бундай схема ўсимликнинг баравж бўлиши учун қулай шароит яратиб беради, унинг чангланишини осонлаштиради, орадан ҳаво юриб туради.

Тамара Шоғиёсова билан дўстона суҳбатда унинг мусобақадош ўртоқлари бу йил ҳар гектар ердан камида 100 центнер маккажўхори дони олишга ҳаракат қилаётганликлари тўғрисида гапириб бердилар.

О. ПАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ФАН, ТЕХНИКА ВА САНЪАТ БИРЛИГИ

Ёшлик — ижодкорликнинг сермаҳсул даври. Илм-фанга чексиз меҳр қўйиб, унинг машаққатли сўқмоқларидан дадил олға интилган ҳар бир истеъдод эгаси ўз истиқбол йўлидан боради. Зотан, ёшларнинг фандаги роли масаласи ҳозирги илмий-техника мислсиз тараққий этаётган вақтда катта аҳамият касб этаётир.

Ижодкор йигит-қизлар билан яқиндан иш олиб бориш, танланган мавзуларнинг аҳамиятли бўлишини таъминлаш ва уларни ижобий якунлаш йўлида айниқса кейинги йилларда муҳим тадбирлар белгиланди. **Олий ўқув юртларида ишлаб турган студентлар илмий жамиятлари, республика ёш олимлар клуби ва бошқа ташкилотларнинг фаолият доираси кенгайиб кетди. Бу шубҳасиз СССР янги Конституцияси лойиҳасида ёзиб қўйилган техникавий ижод эркинлиги билан узвий боғлиқдир.**

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги ёш олимлар ва мутахассислар кенгаши ҳам бу борада кўп ибратли ишларни амалга оширмоқда.

— Ёш истеъдод эгаларининг фан ва техникани чуқурроқ эгаллашлари, фан-техника тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди, — дейди мазкур кенгашнинг раиси Н. Зиёдуллаев. — Улар ўз илмий-тадқиқотларининг самарадорлиги билан бизни беҳад қувонтиришмоқда. Ҳозир республикамиз илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида 32 мингдан ортиқ умидли тадқиқотчи жўшқин фаолият кўрсатаётир. Пойтахт области ижодкор ёшлари тадқиқотларининг аксарияти халқ хўжалик аҳамиятига молик эканлигини мамнуният билан айтиш мумкин.

Илмий-техника интеллигенцияси билан бошқа кенгашимиз турли усул ва методлардан кенг фойдаланмоқда. Жойларда ёш олимлар советларининг кўплаб ташкил этилиши илмий ишлар самарадорлигини таъминлашда ижобий роль ўйнади.

Эндиликда бундай группалар деярли ҳар бир йирик корхона, муассаса ва ташкилотда ишлаб турибди. Улар томонидан ҳал этилаётган муаммо ва масалалар доираси кенг ва хилма-хил. **Ёшларнинг профессионал маҳорат ва малакаларини ошириш, ижодий ташаббускорликни ривожлантириш, меҳнат ва дам олишларини тўғри ташкил этиш каби масалаларга ҳам эътибор кучайди. Зотан, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида бу масалаларга алоҳида аҳамият берилди.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кибернетика илмий-текшириш институти фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу даргоҳда тадқиқотчи ёшларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Институтнинг атоқли олимлари мураббийлик ҳаракатига қўшилиб, шогирдларга чинакам устозлик қилмоқдалар. Илмий марказ директори академик В. Қобуловнинг ўзи кейинги йилларда бир неча муносиб шогирд тайёрлади.

Бундай мисолларни Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш илмий-текшириш институти ва Тошкент кабель заводидаги бошланғич советлар ишларидан ҳам келтириш мумкин.

Фан билан ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш асосида унинг техника даражасини оширишга кенгашнинг бу йилги планида алоҳида аҳамият берилди. Қатор корхона ва илмий муассасаларда ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари билан алоқасини мустаҳкамлаш штабларини фаолияти кенгайди. Йирик олий ўқув юртларида студентлар конструкторлик бюроларини тузишга киришилди. Булар асосан, бошлаб қўйилган илмий-тадқиқотларни давом эттириш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш билан бевосита шуғулланадилар.

Шу билан бирга тадқиқотлар бўйича ягона картотека ишлаб чиқилди. Кейинчалик бу кучлар илмий-кузатиш ишларини халқ хўжалигида қўллаш бўйича бошқаришнинг республика автоматлаштириш системаси даражасига кўтарилади.


Илмий муассасалар билан корхоналар ўртасида тузилаётган «дўстлик ва меҳнат» шартномаларига жиддий эътибор берилаётир. Бу усул, айниқса фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини ҳаётга тадбиқ этишда жуда қўл келмоқда. Чунончи, Кибернетика институти комсомол ташкилотининг Ангрен шаҳри корхоналари билан ҳамкорлиги яхши самаралар берди. Бу тажрибани жойларда ёйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шифокор ёшларни рағбатлантириш улар ўртасида ижодий ташаббускорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу мақсадда энг яхши тадқиқотчилар ишни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти номзодлигига тақдим этилаётир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида эса ёш олимлар учун 1977 йилги мукофот таъсис қилинди.

Улуғ Октябрь революциясининг шонли 60 йиллиги муносабати билан «Октябрь ва ёшлар» лекторийси иш бошлади. Шунингдек, доимий ҳаракатдаги ёшлар «Прогресс» телеклуби очилди. Мазкур оммавий маданият ўчоғи Тошкентдаги «Илҳом» ижодкор ёшлар шаҳар клуби билан яқин алоқада фаолият кўрсатади.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар меҳнат, фан ва санъат бирлигида муҳим роль ўйнайди. Чунки, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида айтилганидек, «кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг тўлиқ қондириш» меҳнаткашларнинг ижодий активлигига, техника тараққиёти ютукларига таянади. Бу эса ёшларнинг ижодий қобилиятларини янада оширишда муҳим омилдир.

А. АЛИЕВ.



ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

СИЗ ушбу суратда кўриб турган ва бутун вужудингиз билан гайрат-шижоат балқиб турган бу йигитлар республикамиз химия саноатининг энг йирик корхонаси — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ремонтчи-слесарлар бўлиб ишлашади. Ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда бориши, технология асбоб ускуналарининг доим созланган ҳолда бўлиши кўп жиҳатдан ана шу касб эгаларининг меҳнатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Жумабой Хўжаназаров ва Фоғил Шайхуллинлар сидқидилдан, виждонан ишлашади. Аммиак селитраси цехидаги машина-механизмлар ишидан доим кўз-қулоқ бўлиб турадилар, нуқсонлари бўлса дарров бартараф этишади. Шу туфайли ҳам цехда бу икки ҳамкасб дўст катта обрў ва ҳурмат қозонган. Шу кунларда Улуғ Октябрининг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган ҳиммати баланд, меҳнатсевар слесарлар нормани доим знёдаси билан адо этишяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ОКТЯБРЬ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўзбекистон халқлари тарихи музейидаги алоҳида бир залда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Тошкентдаги ғалабасига оид экспонатлар намойиш этилади. Уларнинг ҳар бири революция, синфий кураш, ажойиб тақдирлар ҳақида ҳикоя қилади.

БУЙРУҚ ВА ИЖРО

Сарғайиб кетган қоғозда қуйидаги сўзлар яққол кўзга ташланади:

«Тошкентда 12—15 сентябрь давомида митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш таъқиқлансин».

Туркистон ҳарбий округи штаби босмахонасидан чиқарилган бу 216-сон буйруққа Туркистон комитети раиси меньшевик Наливкин имзо чеккан.

Маълумки, 1917 йил Февраль революциясидан сўнг Тошкентда ишчи ва солдат депутатлари Совети ташкил топди. Тошсовет талаби билан 31 мартда Тошкентдаги подшо нойби генерал губернатор А. Н. Куропаткин вазифасидан бўшатилди. Апрель ойида эса Муваққат ҳукумат ўлкани бошқариш учун кадетлар, буржуа миллатчилари ва эсерменьшевиклардан иборат Туркистон комитетини тузди. Худди Россиядаги каби Туркистонда ҳам икки ҳокимиятчилик вужудга келди. 1917 йил ёзида эса у тугаб, бутун ҳокимият буржуазия қўлига ўтди. Большевиклар партияси яширин ишга ўтиб, ўзининг VI съездида партия диққатини қуролли қўзғолонга қаратди. Худди шу даврда Тошкентда тарихга сентябрь воқеалари сифатида кирган революцион кўтарилиш бошланди.

Туркомитет раиси Наливкин буйруғига қарама-қарши ўлароқ 12 сентябрда ишчи ва солдатлар митинги бошланди. «Бутун ҳокимият —Советларга!» шиори остида, Н. В. Шумилов, А. Я. Першин каби большевиклар раҳбарлигида ўтган митинг ҳокимият Советларга ўтган тақдирда деҳқонларга текинга ер бериш, банкларни национализация қилиш, капиталистлар ихтиёридаги озиқ-овқатларни мусодара этиб, корхоналарда ишчи назоратини ўрнатиш ҳақида резолюция қабул қилди.

Бу ишчи ва солдатларнинг муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетига большевиклар раҳбарлигида кўрсатган жиддий қаршилиги, Наливкин чиқарган буйруққа қарши овози эди.

ГЕНЕРАЛ БЎЙИН ЭГДИ

Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг 1917 йил 19 сентябрдаги баёноти босилган қоғоздаги ҳарфлардан ҳали ҳам босмахона бўёғи кетмаганга ўхшайди.

1917 йил 15 сентябрда Революцион Комитет буйруғига кўра, Туркистон ҳарбий округи кўмондони генерал-майор Черкес штаб бошлиғи, шаҳар ҳарбий коменданти вазифасидан бўшатилди. Революционер офицер, поручик Перфильев округ кўмондонлигига тайинланди. Ревком озиқ-овқатларни тақсимлади ва жорий ишлар бўйича секция ташкил этди. Бу ревкомнинг Турккомитетига қарши қаратилган дастлабки тадбирлари эди. Аммо, у ҳокимиятни қўлга олмади. Туркомитет аъзолари эркинликда юрар, почта-телеграф ҳам кўлга олинмаганди. Большевиклар ревком бутун ҳокимиятни ўз қўлига олишини талаб қилдилар, лекин меньшевиклар бунга қарши чиқиб, Туркомитет билан биргаликда ҳокимият ташкил қилишни ҳатто ревкомни бекор қилишни истар эдилар.

Ана шундай шароитда 17 сентябрда ревком тарқатиб юборилди. Туркомитет раиси Наливкин эса контрреволюцион фаолиятини давом эттириб, 16 сентябрда Керенскийдан олган телеграммани рўкач қилган ҳолда 24 соат ичида Туркомитетга буйсунишини Тошсоветдан талаб қилди. Тошкентга жазо отряди келаётганини эслатди. Аммо унинг ультиматуми рад этилди. Шунда Наливкин вақтдан ютиш мақсадида Тошсовет билан битим тузиб, Керенскийга жазо отрядини юбормаслик ҳақида илтимос қилишини маълум қилди лекин, сўзида турмай ваъдасини бузди.

Тошсовет 19 сентябрдаги юқоридаги баёнотида шуларни баён этиб, Наливкинга норозилик билдирган эди.

20 сентябрда Наливкин Тошкентда ҳарбий, ҳолат эълон қилди. Тошкент Совети органи «Наша газета»ни ёпиш ҳақида буйруқ чиқарди. Бунга жавобан РСДРП Тошкент ташкилоти Комитети 20 сентябрдан 27 сентябргача умум иш ташлаш эълон қилди. 24 сентябрда эса Тошкентга генерал Коровиченко бошлиқ жазо отряди етиб келди. Туркомитет бу кучдан ўз диктатурасини ўрнатиш учун фойдаланмоқчи эди. Аммо, большевиклар ташвиқотн туфайли жазо отряди солдатлари Тошкент ишчиларига қарши чиқишдан бош тортди. Офицерлар ва генерал Коровиченконинг дағдағалари ҳам иш бермади. Натижада генерал Тошкент ишчи ва депутатлари Совети билан келишишга мажбур бўлди. Гарнизон қўшинларини Тошсовет рухсатисиз ишга солмаслик ҳақида мажбурият олди. Шаҳарда жорий этилган ҳарбий ҳолатни бекор қилди.

Революцион Тошкент оммаси иродаси олдида генерал бўйин эгди.

ЗАМБАРАК ТАРИХИ

Музейнинг иккинчи қаватидаги фахрий бурчакда олти дюмалик рус дала замбараги қўйилган.

Генерал Энгельгардт конструкторлигида яратилган ва Обухов заводида 1885 йилда қуйилган бу дала тўпи 1914 йилда Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳрида ташкил этилган 9-мортира батареясига қарашли бўлган. 1915 йилда батарея Тошкентга жўнатилган.

1917 йил 28 октябрда Тошкентда қўзғолон кўтарган ишчилар 1-Сибирь ўқчи полки омборидаги милтиқлар ва гранаталар билан қуролланишади. Энди уларга замбарак керак эди. Темирйўл устахоналари бўёқчилик цехининг бир группа ишчилари ревком топшириғига кўра, 9-Туркистон запас мортира батареясига боришиб, революция тарафидаги тўпчи солдатлар ёрдамида шу замбаракни олишади ва Темирйўл устахоналари дарвозасига келтиришади. 28 октябрда тўпчи солдатлар ундан контрреволюция таянчи бўлган Тошкент ҳарбий қалъасига биринчи снаряд отишади. Тўрт кун давомида шаҳардаги оқгвардиячи пунктлар тўпга тутилади. 1 ноябрь кечаси ишчи ва солдатлар штурм билан қалъани қўлга олишади. Революция ғалаба қозонади.

Гражданлар уруши йилларида бу замбарак Туркистон Қизил Армияси қисмлари ихтиёрида Оренбург фронтида атаман Дутов бандаларини тор-мор этишда, Закаспий фронтида инглиз —америка интервентлари ва оқгвардиячиларга қарши жангларда қатнашади. Кушка қалъасида революция қўрғонини ҳимоя қилади.

Гражданлар уруши тугаши билан замбарак қизил аскарларнинг ишчи қалъасида ўрнатилади. 1936 йилда эса собиқ ўрта Осиё бош устахоналари —ҳозирги Октябрь революцияси номли тепловозвагон ремонти заводи ишчилари замбаракни Ўзбекистон халқлари тарихи музейига совға этишади.

БОЛЬШЕВИК АКБАРХЎЖА МИЛТИҒИ

Бу милтиқни Тула заводи 1917 йилда чиқарган. Октябрь қуроллн қўзғолони кунларида Акбархўжа Қосимхўжаев уни 1-Сибирь ўқчи запас полки пейхгаузидан қўлга олган.

Камбағал ҳунарманд Қосимхўжанинг фарзанди Акбархўжа укаси Султонхўжа билан революцион курашнинг олдинги сафларида бўлган. Акбархўжа темир йўлда ишлаб юрганида, Тошкент вокзалини қуришда рус ишчилари билан кўп алоқада бўлган. Рус ишчиларидан сиёсий савод олган. РСДРП программаси ва Устави билан танишган.

1905—1907 йиллар у биринчи рус революциясида, 1916 йил миллий —озодлик кўзғолонида қатнашган, 1917 йил апрелида ишчи бинокорларнинг биринчи касаба союзи секретарлигига, эски ва янги Тошкент шаҳар Советларига, Туркистон Марказий Ижрокўми аъзолигига, 1918 йил бошида эски шаҳар мусулмон қурувчи ишчилар союзи раислигига сайланган.

1919 йилда Акбархўжа Туркистон Чекасининг бўлим мудири, Эски Тошкент халқ маорифи Совети бўлими мудири, Фарғона фронтида босмачиларга қарши кураш бўйича партия дружинаси аъзоси сифатида ўз ташкилотчилик ва жанговар истеъдодини намойиш қилди.

Музейда сақланаётган 1918 йилдан партия аъзоси Қосимхўжаев Акбархўжа милтиғи унинг ана шу фаолияти ҳикоясидан ташқари Улуғ Октябрь социалистик революциясида рус ишчилари қатори Тошкентнинг ўзбек ишчилари ва камбағал оммаси ҳам фаол иштирок этганлигидан далолат беради.

ЎЛЖА ҚУРОЛЛАР

Француз пулемёти, америка, япон ва инглиз милтиқларига қараб бехитиёр гражданлар урушининг оловли йиллари ёдга тушади.

1918 йилда АҚШ, Англия, Франция, Япония империалистлари Совет Россиясини бўлиб ташлаш, революцияни қонга ботириш учун кенг миқёсдаги интервенция планини ишлаб чиқдилар. 1918 йил 8 январда президент Вильсон АҚШ конгрессига 14 пунктдан иборат нома юборди. Бу пунктларга расмий шарҳ ишлаб чиққан полковник Хауз ва журналист Уолтер Липпман Россияни парчалаб ташлаш, Кавказни ажратиб олиш ва Ўрта Осиё устидан чет эл назоратини ўрнатиш режаларини назарда тутишган эди.

Англия ва АҚШ империалистлари кўрсатмасига биноан Қўқонда ташкил этилган «Автоном Туркистон Вақтли ҳукумати»ни биринчи бўлиб Қўқондаги Вадьяев, Симхаев, Потеляков каби капиталистлар қўллаб-қувватлашди, унга ярим миллион сўм заём беришга ваъда қилишди. «Қўқон мухторияти»ни сионистлар, дашноқлар ва украин буржуа миллатчилари ҳам олқишлашди. Оренбург казак қўшинлари атамани Дутов орқали бу ҳукуматни империалистлар пул ва қурол билан таъминлашди.

Аммо, тарихда «Қўқон мухторияти» деб ном олган бу ҳукумат узоқ яшамади. Туркистон меҳнаткашлари ва Қизил гвардия отрядлари уни тор-мор қилдилар. Мухториятчилар ёрдам сўраб, АҚШ президенти Вильсонга нома юбордилар: «Биз Туркистоннинг 8 миллионлик аҳолисини сизнинг ёрдамингизда большевик босқинчиларидан халос этамиз»,.

1918 йил майида Туркистонга АҚШ консули Роджер Тредузли етиб келди. У инглиз агенти Эдварус, разведкачи Бейлий Бленкерлар, Француз агентлари Кастанье ва Кандевил, чехословак вакили Готфрид, румин агенти лейтенант Балтариу, швед вакиллари Галль, фон Шульман, даниялик капитан Брун. Бельгия консули де Стерклар иштирокида Советларга қарши фитна тайёрлади.

1918 йил 12 августда инглиз қўшинлари Совет Туркистони территориясига бостириб кирди. Инглиз-америка империалистлари 9 Ашхабод комиссари, 14 Туркистон, 26 Боку комиссарларини ўлдиришди. Улар қўлида Туркистон республикаси меҳнат халқ комиссари П. Г. Полторацкий ҳалок бўлди. Аммо тез орада интервентлар хуружи барбод бўлди...

Музейда намойиш қилинаётган ўлжа қуроллар ана шундан далолат бериб турибди.

Х. СОДИҚОВ,
М. Т. Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

МУҲОКАМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОВЕТ халқининг социализм қуриш йўлидаги тарихий ғалабалари, фан, маданият ва экономикамиз тараққиёти соҳасида эришилган ютуқларни ўзида яққол акс эттирган СССР янги Конституциясининг лойиҳаси областимизда ҳам қизғин муҳокама қилинмоқда. Кишилар лойиҳа моддаларини изчил таҳлил қилиб, уни юксалиш йўлидаги янги қадам деб баҳоламоқдалар. Ўрта Чирчиқ район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ю. Оймирзаев бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим ҳужжат умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигининг ўзиёқ мамлакатимизда кишиларнинг ҳуқуқ-имтиёзлари қанчалик катта эканлиги ва демократия белгисидир.

Конституция лойиҳаси эълон қилинган кунининг эртасигаёқ йирик хўжаликларда кўп кишилик митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ким Пен Хва номли, «Партия XXII съезди» колхозларининг аъзолари ўз йиғилишларида партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олишди. Колхозчилар, ишчи-хизматчилар лойиҳа юзасидан ўз фикрларини билдиришди. «Водремстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи эса меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва сифатига алоҳида аҳамият беришга қарор қилди.

Шуниси характерлики, ишлаб чиқариш пешқадамлари ва мусобақа илғорлари янги Конституциямизнинг аҳамиятини биринчи галда тўғри тушуниб, бу муҳим ҳужжатни қизғин қўллаб-қувватлашаяпти. Терешкова номли колхозининг Ҳакимполвон Саидғозиев бошлиқ коллектив аъзоларининг муҳокама йиғилиши бунинг мисолидир. Коммунист пропагандист Тўхта опа Йўлдошева ўша куни бригада аъзоларининг меҳмони бўлиб, уларга Конституциянинг улкан аҳамияти, унинг бутун иттифоқимизда кенг муҳокама қилинаётганлиги ҳақида батафсил сўзлаб берди. Кейин бригада аъзоларини қизиқтирган саволларга жавоб берди. Ана шу йиғилиш иштирокчилари партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олишди.

Беш йилликни уч ярим йилда бажариш ташаббуси билан чиққан «Водремстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг И. Олейников бошлиқ слесарь-йиғувчилари, эллик центнерлик ҳосил учун курашаётган «Партия XXII съезди» колхозининг С. Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари ҳам Конституцияга жавобан меҳнат унумдорлигини янада оширишга сўз бердилар. Э. Усейнов, Н. Эрджепов, Х. Алиев ва Э. Акимов бошлиқ сабзаворчилар ҳам даладаги полиз маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан талаббус кўтариб чиқишди.

Партия ташкилотларимизда Конституция лойиҳасини ўрганиш ва аҳоли орасида тушунтириш юзасидан алоҳида тадбирлар комплекси амалга оширилияпти. Ҳозиргача юздан знёд ташкилотларда очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтиб, уларда кенг актив билан биргаликда Конституция моддалари ўрганиб чиқилди. Йиғилишларимиз эркин тарзда ўтаётир.

Лойиҳа муҳокамаси юзасидан идеологик ишлар авж олиб бормоқда. 458 пропагандист, 378 сиёсий ахборотчи ва 362 агитатор шу ишга жалб этилган. А. Омондиев, Т. Йўлдошева, Д. Абушаев каби ишчи-хизматчиларимиз бунда фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг мақсади аҳоли ўртасида янги Конституция лойиҳасини тўлиқроқ тушунтириб, лойиҳа муҳокамасини янада оммавий ташкил қилишдир.

Юбилей йилида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган районимиз аҳлининг шу кунларда руҳи баланд. Улар совет кишиларига катта ҳуқуқий эркинликлар берган, давлатимизнинг келгусидаги янги муваффақиятли йўлини белгилаган бахт қомусининг яратилганига жавобан янада унумлироқ меҳнат қилишаётир.

УСМОН Юсупов номидаги Халқобод аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасида олмани қайта ишлаш цехини реконструкция қилиш тугалланди. Цехда эски машиналар ўрнига анча қувватли янги агрегатлар ўрнатилди. Бу ерда бир мавсум давомида ўн минг тонна мевани қайта ишлаш мумкин. Суратларда: янги қурилмалар. Технолог Абдуманнон Шукуров ва лаборант Ирина Сатцеева технология жараёнининг боришини назорат қилмоқдалар (ЎзТАГ).

И. Душкин фотоси.





АҲОЛИГА КЎПЛАБ СИФАТЛИ САБЗАВОТ ВА МЕВА ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

ОБЛАСТИМИЗ қишлоқ хўжалиги механизаторлари ўнинчи бош йилликнинг иккинчи йилида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва Октябрининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

1977 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш учун курашда фидокорона меҳнат қилаётган қишлоқ механизаторлари сафида, сабзавоткорлар, картошкачилар, полизчилар, боғбонлар ва соҳибкорлар ҳам дадил одим билан олға бормоқдалар.

Сабзавот, картошка қовунтарвуз экинларини парвариш қилиш юзасидан комплекс тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказаётган, боғ ва токзорларда ишни намунали ташкил этган кўпгина колхозлар, совхозлар, бригадаларда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирги кунларда ҳосилни йиғиб олиш ва давлатга топшириш уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Мева ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш суръати кундан-кун кучайиб бораётир.

Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Калинин, Тошкент ва Янгийўл районларининг миришкорлари социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Улар мева, сабзавот тайёрлаш бўйича йиллик топшириқни 40—57 процент бажариб қўйдилар, Областнинг савдо-тайёрлов ташкилотлари томонидан қабул қилиб олинган барча сабзавот маҳсулотларининг 38 проценти мазкур районларда етиштирилгандир. Калинин, Урта Чирчиқ ва Бекобод районлари эртаки сабзавот ҳисобига бу маҳсулотни харид қилиш бўйича йиллик планни бажариб қўйдилар.

Эртаки ва ўртаки муддатларда экилган картошка ҳосилини йиғиб олишга мавжуд механизмлардан 11 ва 43 процентга етказилиб фойдаланилмоқда, холос. Бу тадбирни амалга ошириш ишига етарли ишчи кучи ажратилмаган. Шунинг учун ҳам Янгийўл, Оққўрғон, Бўка, Юқори Чирчиқ, Чиноз ва Пискент районларида эртаки ва ўртаки муддатларда экилган картошка ҳосилининг атиги 3 процентидан тортиб, 21 процентгача бўлган миқдори йиғиб олинган. Ҳосилни йиғиштириб олиш муддатлари ўтказиб юборилаётганлиги туфайли ҳам маҳсулот сифати бузилиб, нобуд бўлмоқда. Натижада Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Пискент, Урта Чирчиқ ва Янгийўл районларида ҳар гектаридан 108—130 центнердан ҳосил олинмоқда.

Экин майдонлари кенгайтирилганлиги ва ҳосилдорлик ортиб бораётганлиги туфайли картошка тайёрлаш суръати ўтган йилдагидан анча юқори бўлмоқда. Область бўйича ҳозиргача ўзидаёқ 24 минг тонна картошка тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда 9 минг тонна кўпдир. Бекобод, Калинин, Тошкент районларида картошка сотиш яхши бормоқда.

Лекин картошка етиштирувчилар ишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бир қатор хўжаликлар ва бригадаларда экинни суғориш, озиқлантириш ишлари ўз вақтида бажарилмаяпти. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш суст. Айрим далалар ўтдан тозаланмаган. Меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланилмаяпти. Унумдорлик паст. Техникадан самарадорлик билан фойдаланилмаяпти. Эртаки картошка экинларининг ҳар гектаридан 108—130 центнердан ҳосил олинмоқда.

«Ташплодоовощ»нинг шаҳар бирлашмаси, область матлубот жамиятининг район тайёрлов конторалари билан совхозлардан келаётган маҳсулотни узлуксиз қабул қилиб олинишини таъмин этганларида эди, у ҳолда картошка ҳосилини йиғиштириб олиш суръатлари анча юқори бўлиши мумкин эди. Ҳозир область хўжаликлари бўйича кунига тайёрлов ташкилотларига 1,5—2 минг тонна картошка топшириш имконияти бор. Бироқ, кундалик тайёрланаётган маҳсулот кейинги кунларда атиги 850 тоннани ташкил этди.

Кейинги кунларда помидор ҳосилини йиғиштириб олишга оммавий равишда киришилди. Натижада июлнинг ўтган икки ҳафтаси давомида сабзавот тайёрлаш кундалик ҳажми 1,8 баравар ўсди.

Бироқ, Пискент, Чиноз, Урта Чирчиқ, Бўка, Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон районларида сабзавот тайёрлаш суръатлари кескин пасайиб кетди. Шунинг учун ҳам июлнинг кейинги икки ҳафтасида давлатга маҳсулотни харид қилиш йиллик ҳажмига нисбатан 1 процентдан тортиб 3,5 процентгача маҳсулот топширилди.

Оҳангарон, Бўстонлиқ ҳамда бошқа бир қатор районларда умуман олганда сабзавот тайёрлаш суръати кескин пасайиб кетди.

Шу кунларда сабзавотчилар ва картошкачилар далаларида иш тиғизлашиб қолди. Эртаки экинларни парвариш қилишни давом эттириш билан бирга ҳосилни йиғиштириб олиш, яқин кунлар ичида тақрорий кечки экинлар: карам, сабзи, картошка ва бошқа сабзавот экинлари экишни тугаллаш ва уларни сифатли парваришлашни йўлга қўйиш лозим. Бундан ташқари август пиёзи, чеснок экиш муддатлари ҳам яқинлашиб келмоқда. Бундай экинлар экиладиган ерларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, етарли миқдорда уруғлик материалларини ташиб келтириш зарур.

Колхоз ва совхозлардаги мавжуд теплицаларни янги мавсумга тайёрлаш лозим.

Ўтган йиллардагидек бу йил ҳам областимиз соҳибкорлари мевадан мўл ҳосил етиштирдилар. Жуда кўп районлар, колхозлар, совхозлар ва бригадалар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, илгариги қабул қилган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар ва давлатга 2—3 йиллик план ҳажмида маҳсулот сотилишини таъминлашга аҳд қилдилар. Оққўрғон районининг боғбонлари ҳозирнинг ўзидаёқ икки йиллик план ҳажмида мева топширгаликлари ҳақида рапорт бердилар. Улар шу кунларда учинчи план ҳисобига маҳсулот топширомқдалар. Бекобод, Бўка районларининг боғбонлари ва соҳибкорлари ҳам йиллик маҳсулот тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажардилар.

Июлнинг икки ҳафтасида областда 10 минг тоннадан ортиқ мева тайёрланди. Бу ана шу турдаги маҳсулотларни харид қилиш йиллик ҳажмига нисбатан 22 процентни ташкил этади. Бироқ, Урта Чирчиқ, Оржоникидзе, Чиноз, Калинин, Бўстонлиқ районларида бу кўрсаткич 3 процентдан тортиб, 20 процентгача бўлган миқдорни ташкил этди.

Кўпгина районлар ва хўжаликлар меванн савдо ташкилотларига ва қайта ишловчи корхоналарга жўнатилишини ҳисобга олиб, саралаб термаётирлар. Бунинг оқибатида тайёрланган 25,8 минг тонна мевадан 14,7 минг тоннаси ёки 57 проценти вино пунктларига жўнатилди. Маълумки, вино учун топширилган мева стандарт бўлмаган маҳсулот баҳосида олинади. Яъни бундай маҳсулотнинг нархи иккиуч баравар арзон бўлади. Бу — хўжалик учун иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас, албатта.

Бу йил давлатга кам деганда 400 минг тонна ҳар хил ассортиментдаги сабзавот, 56 минг тонна картошка, 80 минг тонна қовун-тарвуз, 65 минг тонна узум топширишимиз зарур. Шунингдек, икки йиллик план ҳажмида мева тайёрланиши лозим. Ана шу юксак социалистик мажбуриятларни ва топшириқларни ҳеч сўзсиз бажарилишида хал қилувчи масъулиятли давр бошланди. Бу масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариш учун помидор, картошка, мева ҳосилини йиғиб-териб олиш суръатларини кучайтириш зарур. Қовун-тарвуз ва узум пишиб етилиши билан уни йиғиб-териб олиш ишини ҳам намунали ташкил этиш лозим. Бу ишга барча колхозчилар, совхоз ишчилари, меҳнатга қобилиятли қишлоқ аҳлини сафарбар этиш лозим. Етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олишда шаҳарликларнинг ёрдами катта бўлади. Мева, сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олишда қатнашаётганларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб бериш лозим.

Савдо ва тайёрлов ташкилотлари колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан биргаликда йиллик маҳсулотни қабул қилиб олиш бўйича календарь графикларини ишлаб чиқишлари ва хўжаликларда терилган барча маҳсулотни қабул қилиб олиш кундалик топшириқларининг бажарилишини таъмин этишлари, шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктлардаги савдо шаҳобчаларига хилма-хил сифатли маҳсулотларни узлуксиз етказиб беришлари лозим.

Консерва ва виночилик корхоналарининг раҳбарлари маҳсулотни икки сменада узлуксиз қабул қилиб олиниши чораларини кўришлари керак.

Дала меҳнаткашлари фидокорона меҳнати билан етиштирилган мўл-кўл мева ва сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида йиғиштириб, эл дастурхонига етказиб бериш хўжалик, савдо, тайёрлов ташкилотлари раҳбарларининг муҳим вазифасидир.


ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ДАЛАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,8	85,3
Пискент	1,4	85,0
Бўка	0,2	82,2
Қуйи Чирчиқ	1,5	81,4
Бекобод	0,2	80,7
Тошкент	0,1	79,5
Оққўрғон	—	78,8
Урта Чирчиқ	0,1	78,6
Оҳангарон	1,0	78,1
Оржоникидзе	0,1	75,4
Чиноз	0,3	73,9
Юқори Чирчиқ	0,9	71,7
Янгийўл	1,8	68,7
Бўстонлиқ	1,2	65,1
Область бўйича:	0,8	79,0



Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати З. Аминов медицина илмига оид китобларни пропаганда қилишда актив қатнашмоқда. У область китобсеварлар жамиятининг жамоатчи лекторидир.

П. Эргашев фотоси.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг рейд бригадаси июнь ойининг биринчи ярмида Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Пискент, Урта Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл районлари хўжаликларининг дала шийпонларини кўздан кечириб чиқди. Текширув давомида партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари дала меҳнаткашларининг унумли ишлашлари ва маданий дам олишлари учун етарли шароит яратиб бериш йўлида катта ишларни амалга оширганликлари маълум бўлди.

Пойтахт области далаларида юбилей йили ҳосили учун қизғин кураш давом этмоқда. Колхозчилар ва совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари, СССР янги Конституция лойиҳасидан руҳланиб Улуғ Октябрининг 60 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Пилла тайёрлаш мажбурияти муваффақиятли бажарилди. Кенг адрлардан 22 минг тоннадан кўпроқ ғалла йиғиб олиниб, бу соҳадаги вазифа ҳам шараф билан адо этилди. Ҳозир поёнсиз пахтазорлардаги ғўзалар учинчи марта суғорилиб, бешинчи марта культивациядан чиқариляпти. Айрим хўжаликлар эса чеканкага киришдилар. Сабзаводчилар, боғбонлар ҳаётида ҳам қизғин дамлар давом этмоқда.

Ишнинг муваффақиятли кўп жиҳатдан дала меҳнаткашлари учун яратиб берилган шароитларга боғлиқдир. Буни яхши билган хўжалик раҳбарлари дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига, дала меҳнаткашларининг иккинчи уйига айлантирмоқдалар. Янгийўл районидаги Ленин номли колхозининг 14, 15, 16, 18-бригадалари, «Коммунизм» колхозининг 7, 12-бригадалари, «Ленинизм» колхозининг 2, 4-бригадалари дала шийпонларида бўлган кишининг бахри-дили очилади. Сиёсий ахборотчилар, лекторлар колхозчиларга оламда бўлаётган янгиликлардан гапириб бермоқдалар. Бадиий ҳаваскорлар, санъаткорлар куй-қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини шод этмоқдалар. Маиший хизмат кўрсатиш, савдо, соғлиқни сақлаш, санитария хизмати ходимлари ҳам дала шийпонларида тез-тез бўлиб пахтакорлар оғирини енгил қилмоқдалар.

Дала шийпонларида сувчилар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Сувчи мўл «оқ олтин» учун курашда ҳозир асосий фигура ҳисобланади. У кечаю-кундуз далада бўлиб, ҳар бир ниҳолнинг тўйиб сув ичишини, мўл ҳосил тўпланишини таъминлаши керак. Янгийўл районидаги хўжаликларида сувчилар учун алоҳида иссиқ таомлар тайёрланмоқда. Уларнинг дам олишлари учун зарур шароитларнинг ҳаммаси яратиб берилмоқда.

Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ, Оққўрғон, Чиноз, Пискент районлари партия, хўжалик раҳбарлари ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг унумли ишлашлари, мириқиб хордиқ чиқаришлари йўлида зарур тадбирларнинг ҳаммасини кўрмоқдалар. Рейд бригадаси аъзолари текширув давомида дала бошида дам олишни уюштириш соҳасида тўпланган бой тажрибаларни кўриб мамнун бўлдилар. Айни пайтда улар хўжалик раҳбарларига дала шийпонлари ишини уюштиришда йўл қўйилаётган баъзи бир нуқсонларни ҳам кўрсатдилар.

Урта Чирчиқ ва Оққўрғон районларининг айрим хўжаликларида пахтакорларнинг дам олиши, овқатланиши, уларга медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатишнинг яхши ташкил этилмаганлиги рейд бригадаси аъзоларини афсуслантирди. Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхознинг 1, 7-бригадалари, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг 5, 6-бригадалари дала шийпонларида ошхона жиҳозларини сақлашга эътиборсизлик билан қаралмоқда. «Оққўрғон» совхози дала шийпонларида эса санитария қоидаларига риоя қилинмаяпти. Урта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози дала шийпонларида аптечкалар тўла комплектланмаган.

Юқори Чирчиқ районидаги дала шийпонларининг айримлари бўм-бўш. Уларнинг қурилиши учун колхозлар озми, кўпми маблағ сарфлаган. Лекин колхозчиларнинг дам олишини уюштиришга, дала шийпонларида турли хил оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказишга эндиликда хўжалик раҳбарлари панжа орасидан қараяптилар.

Юқори Чирчиқ районидаги далачилик ва боғдорчилик бригадаларининг 73 процентида дала шийпонлари бор холос. Бу шийпонларнинг фақат 60 проценти типовой қилиб қурилган. Ўтган йилда район бўйича 18 та дала шийпони қурилиши керак эди. Шундан атиги 6 таси зўрға қуриб битказилди. Бу йил ҳам дала шийпонлари қурилишига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Йил давомида қурилиши лозим бўлган 20 та дала шийпонидан атиги 3 тасида ҳозир қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Чиноз районн хўжаликларида дала шийпонлари қурилишига алоҳида эътибор берилаётганлиги барчани қувонтиради. Кейинги икки-уч йил давомида типовой дала шийпонлари қуриш ва уларни жиҳозлаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Ҳозирги кунда шу шийпонлар колхозчиларнинг дам олишини уюштиришда, оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда қўл келмоқда.

Лекин шу ўринда райондаги айрим хўжаликларнинг дала шийпонларида олиб борилаётган сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш лозимлигини ҳам уқтириб ўтиш керак. Охунбобоев номли колхознинг 5-бригадаси, С. Раҳимов номли колхознинг 9-бригадаси, Энгельс номли колхознинг 10-бригадасида КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилувчи, Улуғ Октябрининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга даъват этувчи шиорлар кўзга кўринмайди. Киров номли колхознинг 4, 8-бригадаларида жанговар варақалар ўз вақтида чиқиб турмайди. Сиёсий ахборотчилар дала шийпонларида камдан-кам бўладилар. Бошқа хўжаликларнинг дала шийпонларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни ҳам янада жонлантириш керак. Бутун эътиборни эммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратиш лозим.

Рейд бригадаси аъзолари Пискент райони хўжаликларини ҳам айланиб чиқдилар. Районда дала шийпонлари ишини яхшилаш, пахтакорларнинг унумли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олишларини таъминлаш юзасидан катта ишлар қилинмоқда.

Бошланган ҳайрли ишни қизғин давом эттириш, омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишда дала шийпонларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Чунки, ҳозир пахтакорлар яна ҳам катта вазифалар олдида турибдилар. Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи дамлар ўтиб бормоқда. Барчанинг диққат эътибори ғанимат кунларда янада уюшқоқлик билан меҳнат қилишга қаратилмоғи лозим.

Г. АЙРАПЕТЯНЦ.
Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимн мудирининг ўринбосари.

Дунё овози
чет эл хабарлари

КПССНИНГ АТОҚЛИ АРБОБИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Венгрияда «Леонид Ильич Брежнев. Қисқача биографик очерк» китоби чоп этилди. Венгрия социалистик ишчи партиясн Марказий Комитетининг органи «Партэлет» журнали шу китоб ҳақидаги тақризида қуйидагиларни ёзади: Леонид Ильич Брежнев — КПССнинг, Совет давлатининг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбобидир. Унинг номи ўзи рўёбга чиқариш учун ҳизмат қилаётган буюк ғоялар билан, унинг ўзи иштирок қилаётган ва бунёд этаётган тарихий воқеалар билан чамбарчас боғланган. Бу қисқача очерк муайян даражада тарихий очеркдир. Бунинг боиси шуки, очерк ҳикоя қилган киши совет коммунистлари авлодига мансубдир. Совет коммунистлари социалистик қурилишнинг қаҳрамонона даврида чинакамига улғайди ва уларнинг дунёқараши Улуғ Ватан урушн йилларида ҳаёт-мамот курашини белгилаб берди.

Миллионларча совет кишилари каби Л. И. Брежнев ҳам урушнинг оғирлигини тажрибадан билиб олган. У янги жаҳон урушн инсониятни нималарга дучор қилишини яхши биларди. Шу боисдан у Совет давлати ленинча тинчлик сиёсатининг изчил амалга оширилишини чин кўнгилдан истайди.

Л. И. Брежнев КПССга бошчилик қилиб келаётган даврда Совет Иттифоқининг халқаро майдонидаги обрў-эътибори ғоят ўсганлиги, коммунизм қураётган Совет жамияти қудратли тараққиётининг шоҳидн бўлдик. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР янги Конституцияси лойиҳаси буни акс эттиради. Бу муваффақиятлар КПССнинг тўғри сиёсати билан, унинг жамиятдаги раҳбарлик роли чуқурлашиб бораётганлиги билан чамбарчас боғланган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўзининг бутун ажойиб қобилиятини, бой ҳаётий тажрибасини, коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси соҳасидаги чуқур билимини КПССнинг бош йўлини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга сарф қилаётганлиги аёндир.

Китобда КПССнинг ленинча иш услубига хос ҳусусиятлар нималардан иборат эканлигини яхши билганлиги тўлиқ баён этилган. Чуқур реализм, масалаларга илмий ёндошиш, коллектив ва оператив раҳбарлик, оммабилан мустаҳкам алоқа, ташаббускорлик, кенг кўламда фикр юритиб билиш ана шундай ҳусусиятлардандир. Кўп йиллик иш давомида чиниққан ана шу ҳусусиятлар КПСС раҳбар органларининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиуми Раисининг фаолиятини тавсифлаб беради.

Л. И. Брежнев, деб таъкидлайди «Партэлет» журнали, венгер халқининг энг яқин, чин дўстидир. Унинг қисқача тарихнамн ҳали бутун жаҳонда ва миллионларча кишиларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган инсоний, партия ходими ва Совет давлати арбобини тўлиқ тасвирлайди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЯРИМ ЙИЛ ИЧИДА ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

✦ БЕРЛИН. ГДР давлат марказий статистика бошқармасининг бу ерда эълон қилинган ахборотида бундай дейилган: Йилнинг биринчи ярми халқ хўжалик плани бажарилди, энг муҳим соҳаларда эса ошириб бажарилди. Мамлакатда Улуғ Октябрининг 60 йиллигн шарафига кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Йилнинг биринчи ярмида миллий даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 процент, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4,8 процент ўсди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

УҚУВ ЙИЛИ ТУГАЛЛАНДИ

✦ БУДАПЕШТ. Венгрия социалистик ишчи партияси партия маорифи системасида ўқув йили муваффақиятли тугалланди. Таълимнинг турли формаларида жами 700 минг меҳнаткаш, шу жумладан 270 минг партиясиз тингловчилар қатнашди.

Тингловчиларнинг марксизм-ленинизм назариясини, партия ички сиёсати ва халқаро сиёсатининг актуал масалаларини ўрганганлиги ўтган ўқув йилига хос хусусиятдир.

Семинар машғулотларида КПСС тарихи, Совет Иттифоқининг муваффақиятлари, СССР ташқи сиёсатининг асосий принциплари ҳам ўрганиб чиқилди.

ЯНГИ САВДО КОРХОНАСИ

✦ БУХАРЕСТ. Бу йил Руминия пойтахтида жами саҳни 140 минг квадрат метрлик савдо корхоналари қурилади. Шаҳарнинг аҳоли яшайдиган бир қанча янги районларида универмаг ва универсамлар, озиқ-овқат магазинлари ва бошқа магазинлар очилади. Зилзила натижасида савдо шохобчаларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун бир мингдан зиёд киоска, лоток ва бошқа дўконлар очилди. Зилзила натижасида вайрон бўлган ёки зарарланган 1380 савдо муассасасидан 1040 таси тикланди ва ишлаб турибди.

ПОЛЯК ШАХТЕРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

● ВАРШАВА. ПХР шахтёрлари Польша кўмир қазиш саноатининг бутун тарихи давомида биринчи марта 6,5 ой ичида 100 миллион тонна кўмир қазиб чиқардилар. Шу муносабат билан ўтказилган тантаналарда Силезия кўмир ҳавзаси кончилари Ҳузурига ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек меҳмон бўлиб келди.

У Катовице шаҳрида ишлаб чиқариш илғорларининг тантанали учрашувида сўзга чиқиб, бундай деди: бизнинг партиямиз ишчилар учун яхши меҳнат ва турмуш шароитларини таъминлаб беришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Шу сабабли биз кончиларнинг меҳнатини янада осон ва хавфсизроқ қилиш учун маблағни аямаймиз.


(ТАСС).

Ж. АНДРЕОТТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● РИМ. Италия министрлар кенгашининг раиси Ж. Андреотти партияларнинг ишлаб чиққан программавий резолюция юзасидан Италия парламентининг депутатлар палатасида ўтказилган мунозарада сўзга чиқиб, ҳукумат Европада янада стабил ва мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш орқали тинчликка, халқаро кескинликни юмшатишга, хавфсизликка интилишга асосланган йўлдан бораверади, деб таъкидлади.

Ж. Андреотти СССР билан муносабатларга тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: Италия ҳукумати Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга нақадар аҳамият бераётганлиги — бизнинг халқаро ҳамкорлик йўлидаги курашимизнинг таркибий қисмидир. Биз Италия билан Совет давлати ўртасидаги яхши муносабатларни сақлаб қолишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

(ТАСС).



Венгриядаги аниқ механика корхонаси Совет Иттифоқининг буюртмаларини ўз вақтида аъло сифатли қилиб бажармоқда. Бу йил корхона СССРга янги хил телевидение мосламаларини экспорт қилади.

МТИ—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

✦ СОФИЯ. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Давлат кенгашининг раиси Т. Живков БКП Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар ва социал бошқариш академиясини битириб чиқувчиларга тантанали вазиятда диплом топширди. Уларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизм билими, социалистик қурилиш назарияси ва практикасини чуқур эгаллаб олишди.

Т. Живков академияни битириб чиқувчилар ҳузурида сўзлаган нутқида ҳозирги вақтда мамлакатдаги партия ташкилоти олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

✦ ЛОНДОН. Молия министри Д. Хили «иқтисодий тангликни бартараф қилиш» чораларини эълон қилган эди. Парламентдаги лейбористлар фракцияси сўл қанотининг вакиллари ва касаба союз арбоблари бу тадбирларни кескин танқид қилдилар.

Ўқитувчилар миллий касаба союзининг бош секретари Ф. Джарвис молия министрининг баёнотини қуйидагича таърифлаб берди: молия министри таклиф этган тадбирлар меҳнаткашларнинг иш ҳақини мажбурий тартибда чеклаш ва фойданинг кўпайтирилишини рағбатлантиришдан иборат эски сиёсатнинг давомидир.


✦ БАҒДОД. 1976—1980 йилларга мўлжалланган беш йиллигнинг асосий мақсади — Ироқни жадал суръатлар билан ривожлантиришдан иборат. Беш йиллик планлари оғир саноатнинг Ироқ учун янгилик бўлган бир қанча тармоқларини — пўлат эритиш, алюминий, нефть химияси ва фосфат каби тармоқларини вужудга келтиришни кўзда тутади. Мамлакатда қоғоз, ўғит ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади. Ироқ саноат ва минерал ресурслар министри Нажих Муҳаммад Халил Ироқ ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда шу тўғрида хабар берди.

✦ ГАВАНА. Уругвайдаги кенг фронт мамлакатнинг демократик ва тараққийпарвар кучларини эркинлик ва демократияни тиклаш учун курашда бирликни мустаҳкамлашга даъват этди. Фронтнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Кейинги вақтларда маъмурлар бошқача фикр юритувчи кишиларни таъқиб этишни кучайтирдилар. Шу йилнинг май ойидагина 400 дан зиёд киши қамоққа олинди. Булар орасида касаба союзларининг раҳбарлари ва оддий аъзолари, университетларнинг ўқитувчилари ва студентлари ҳам бор. Ҳозирги вақтда турмаларда ва қамоқ лагерларида 6 мингдан зиёд сиёсий маҳбус азоб чекиб ётмоқда.

✦ ОТТАВА. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда Канадада 814 минг ишсиз бор.

Мамлакатнинг шарқий районларида аҳвол жуда ҳам мушкуллашди. Бу вилоятларда ишчи кучларининг 10—15 процентн ишсиздир.

Редактор Ш. ЖЎРАЕВ.



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

БЕЛОРУССИЯ ССР. Сиз суратда кўриб турган Мозир нефтни қайта ишлаш заводи коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилгача пландан ташқари сал кам бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган.


И. Юдаш фотоси.


Ҳозир қидирув ишлари олиб борилаётган мана бу жойда келажакда Қурписой сув омбори бунёд этилади.

М. Аширбоев фотоси.

КИЕВ мотоцикл заводи «Днепр-12» мотоцикларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

А. Бормотов фотоси. ТАСС фотохроникаси.





ТИШ ҲАМ ҲУСН, ҲАМ САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

ДАРҲАҚИҚАТ тиш кишида ҳам ҳусн, ҳам унинг саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутади. Масалан кишининг олд томонидаги тишидан бирортаси касалланиб, ўз вақтида даволанмаса кейин олиб ташланади дейлик. Олдирилган тишнинг ўрни очилиб қолади. Аввало овқат яхши чайналмайди. Кейин кишининг талаффузига ҳам таъсир қилади. Лаблар бежирим формасини йўқотади. Медицинада ана шу ҳолатларни бартараф этиш, тишлар қаторида етишмаган тишлар ўрнини сунъий тишлар билан тўлдириш соҳасида анчагина ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жуда мураккаб юқори ва пастки жағлардаги тишларнинг кўп қисми олдириб ташланган тақдирда ҳам, оғиз бўшлигини сунъий тишлар билан тўлдириш ишлари муваффақият билан амалга оширилаяпти. Бунинг учун ҳар бир стомотологик поликлиникалар қошида тиш қўйиш бўлимлари бор, врач-протезистлар беморларнинг олдирилган тишлари сонига қараб, ёши, касби ва бошқа ҳолатларни назарга олиб, тиш қаторларини сунъий йўл билан тиклаш ёки бошқача қилиб айтганда, овқат ҳазм қилиш системасидаги бирон бир касалликни даволаш ёки олдини олиш каби масалалар билан шуғулланадилар. Тиш қўйиш деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида оловдек ловиллаб турган, олтиндан ясалган қоплама тишлар келади. Тишсизликдан қийналиб, таомларни яхши чайнаб, таъмидан маза қилиб, лаззатланолмай юрган кишилар эса нормал овқатланиш ҳолатига қайтишни орзу қилишади. Шундай экан, кишининг саломат юришида, унумли меҳнат қилишида, маданий ҳаётида, киши организмининг тўлатўкислигида тишнинг аҳамияти каттадир. Лекин афсуски, тиш қаторларининг тўла ва бутунлигига ўз вақтида эътибор бермайдиганлар ҳам бор.

Масалан, тишдаги кавакча пломба учун ноқулай бўлиб, қўйилган пломба ҳа деб тушиб кетаверса, қандай қилиб, бу ҳолатдан қутилиш мумкин. Бундай вазиятда врачлар тишнинг емирилиб битишидан сақланиш учун қопламадан фойдаланишни маслаҳат берадилар. Тишжағ системасида бир ёки бир нечта тиш етишмаса, унинг ўрни кўпприксимон ёки осма сунъий тиш-протез билан тўлдирилади. Бунинг учун сунъий тиш қўйилиши лозим бўлган тиш томонида табиий тиш бўлиши шарт. Бу конструкциядан кўриниб турибдики, кўпприксимон протезнинг таянчи икки томондан бўлиб, тишларга тушадиган оғирлик иккала таянч нуқтасига бир текис ёйилади. Бундай протезлар жуда чидамли бўлиб кўп йилларгача ўзгаришсиз хизмат қилади. Шуни айтиш керакки ҳамма беморлар ҳам тиш қўйдиришга яхши эътибор беравермайдилар. Берилган маслаҳатга риоя қилмайдилар. Баъзида соғ-саломат тишни чархлаб, олифтагарчилик учун тилладан қоплама қўйишни хоҳловчилар ҳам учраб туради. Тиш қўйиш масаласи косметик нуқтаи назардан ҳал қилиниши мумкин эмас. айниқса, соғлом тишни чархлаб қоплама қўйиш, шу тишни касалликка чалинувчан, айниқса, емирилишга иссиқ-совуққа чидамсиз ҳолга олиб келади. Шундай экан, ҳар бир киши

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

айнан ўзига мос тушадиган тиш протезини тайёрлатиши мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам ҳар бир бемор врач-стоматологга тиш қўйдириш учун мурожаат этганда, мутахассиснинг маслаҳатидан фойдаланиши зарур. Негаки, тиш илдизларини осонгина тердириб ташлаб, улардан ҳалос бўлишни истовчилар бўлади. Шунга ўхшаш ҳолларда мутахассис тиш илдизларини текшириб, олиб ташланиши лозим бўлган илдизларни ажратади.

Тиш илдизи тўқимаси милк сатҳидан юқорида бўлса уни тозалаб илдиз канали пломба қилинади, устига қоплама тиш қўйилади, яъни илдиз юзасига тиш коронкаси ўрнатилади. Бундай йўл билан тикланган тиш табиий тишларга ўхшаб кетади. Чунки бу сунъий тишнинг формаси, ранги табиий тишлар кўринишидан деярли фарқ қилмайди. Шу йўл билан тикланган тишлар олдинги группа тишларда, айниқса, косметик ва фонетик нуқтаи назардан зарурдир. Штифтли тишлар учун илдизлар бўлмаса, пластмассадан ясалган кўпприксимон протез тайёрланади.

Тиш протезлар техникасида қўлланиладиган материаллардан олтин ва зангламас пўлатдан ясалган қопламани кўп учратамиз. Бу иккала металл оғизда бир-бирига қарама-қарши жойлашган, бир-бирига тегиб турадиган тишларга қўйилиши тўғри эмас. Сабаби ҳар иккала металлнинг потенциал айирмаси турлича бўлиб, оғиздаги сўлак электролит ролини ўйнаши мумкин. Натижада оғизда микротик ҳосил бўлади. Бунинг эса саломатликка таъсири бор албатта. Тиш қўювчи врач-протезистлар беморларнинг саломатлигига таъсир этувчи бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун ҳаракат қиладилар. Тайёрланаётган қоплама ҳар томондама яхши, фойдаланиш учун қулай, мумкин қадар узоқ йиллар хизмат қилиши томонларини ҳисобга оладилар.

Пластмассадан ясалган қоплама олтиндан ясалган қоплама билан қарама-қарши, бир-бирига тегиб турса олтин қоплама емирилиб, тешилиши мумкин. Шунинг учун поликлиника шароитида бундай протез конструкциялари ишлатилмайди.

Шу ўринда айрим шахсий тиш қўювчилар ҳусусида икки оғиз тўхталмоқчимиз. Очиқ айтиш керакки, улар пул ундириш мақсадида бемор оғзидаги тишлар ҳолатини ҳам, унинг саломатлиги, келажакда бутун тишлардан ажраб қолишдек ҳавфларни ҳам ҳисобга олмай, тиш қўяверадилар. Кўпинча салгина касал тишни илдизи бутун бўлишига қарамай суғуриб ташлайдилар. Қоплама тиш тайёрлаш учун чархланган тишлар иссиқ-совуққа сезувчан бўлиб, оғриши мумкин. Бундай ҳолатдан чўчимаслик керак. Бу тишнинг касалланганлигидан эмас, балки тишдаги ҳимоя реакциясининг анчагина камайганлигидандир. Бундай пайтда киши таомларни иссиқ ёки совуқ ҳолатида тановвул қилмай, илитиб истеъмол қилади. Натижада тишнинг эти заарланмайди.

Янги протезга ўрганиш, муддати 2—3 кундан бир ҳафтагача бўлган вақтни олади. Бу жараёнда таянч тишлар ҳар доимдагидек бўлмай, аллақандай ноқулайлик бўлиши, бир оз оғриқ сезилиши мумкин. Бундай ҳолат тезда ўтиб кетади. Протезга тўла ўргандик, дейлик, у ҳолда қўйилган сунъий тишлардан тўла фойдаланиш мумкин.

Оғиз гигиенаси қондалари табий ва сунъий тишлар учун умумийдир, ҳар доим тишларни тоза тутиш уларнинг узоқ муддат ишлаши гаровидир.

М. АЮПОВ,
А. АЛИХЎЖАЕВ,
М. АЪЗАМОВ.
7-стоматология поликлиникасининг стоматологлари.

Реклама ва эълонлар

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ 139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

заргарлик (1,5 —2 йил), **слесарь-сантехниклар** (ички коммуникациялар бўйича—2 йил), **мебелчилар** (1—2 йил), **чинни тайёрловчилар** (1—2 йил), **чиннига гул солувчилар** (1,5 йил), **станокларни ремонт қилувчи слесарлар** (2 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ВИТРИФ ЧИҚҚАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КОНКУРСДАН ТАШҚАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийимбош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАЙДИЛАР.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: 700002, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 40, 59, 76-автобус ларнинг «Кўштут» бекати).

31-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 1962 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН, УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СИНФИНИ ТАМОМЛАГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. УЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГРУППАЛАРДА УЗ УҚИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БИЛАН БИРГА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИЛАР (бокс, енгил атлетика, велоспорт, кураш).

Ўқиш даврида ўқувчилар ўрта маълумот билан бирга қуйидаги касбларни эгаллаб чиқадилар: ТЕПЛОВОЗНИНГ МЕХАНИК ҚИСМИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТЕПЛОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА УҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ТАЖРИБАЛИ ТРЕНЕРЛАР РАҲБАРЛИГИДА УЗИ ТАНЛАГАН СПОРТ ТУРИ БУЙИЧА УЗ МАҲОРАТИНИ ОШИРИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.

Конкурсга бирон бир спорт тури бўйича спорт тайёргарлигига эга бўлган ёшлар қўйилади: БОКС — 1 ўсмирлар разряди, КУРАШ — 2—1 ўсмирлар разряди, ВЕЛОСПОРТ — 1 ўсмирлар разряди, ЕНГИЛ АТЛЕТИКА — 1 ўсмирлар разряди.

КОНКУРСДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ УТГАН УҚУВЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР ВА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, СПОРТ ФОРМАСИ ВА ИНВЕНТАРЛАР БИЛАН ТАЪМИН ЭТИЛАДИЛАР. Энг яхши спорт базаларида машқ қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқувчилар ўрта ҳунар-техника билим юртлари форма кийимлари билан таъминланадилар.

СПОРТ ИХТИСОСИ БУЙИЧА СИНОВ НОРМАТИВЛАРИ 16 АВГУСТДАН 19 АВГУСТГАЧА ТОПШИРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (26, 23, 15, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси», 21, 8, 48, 80 «Э»-автобусларнинг «Қозонхона» бекатлари).

Бизнинг ахборот

ВИБРАЦИЯ АНИҚЛИК ХИЗМАТИДА

Антанас Снечкус номли Каунас политехника институтида принципиал янги хил мотор ишлаб чиқилди. Унга ёмғир чувалчангининг ҳаракат қилиш принципи асос қилиб олинган.

Вибромотор схемаси бундай: унинг ротори махсус пьезокерамик материалдан ишланган халқани ушлайди. Унга ўзгарувчан ток генератори уланган. Кучланиш таъсирида шу халқа тебрана бошлайди. Секундига 10 минг марта ва ундан ошадиган шу тебраниш роторни ҳаракатга келтиради. Кучланиш миқдорини ўзгартириб, халқа вибрациясини осонгина бошқариш ва шу йўл билан станокда ишлов берилаётган детални белгиланган ҳар қандай масофага миллиметрнинг юз мингдан бир неча улушича аниқликда жилдириш ёки буриш мумкин.

Шу мақсадларда юксак частотали механик тебранишлардан фойдаланиш амалда созлаш диапазонини чексиз кўламга етказиш мумкин. Жумладан, мотор ротори айланиш тезлигини ҳафтада бир мартадан минутига минг мартагача равон ўзгартириш имконияти илк бор пайдо бўлди. Шу янги типдаги моторлар ниҳоятда аниқ ишлайди ўзи ихчам, конструкцияси содда ва тебранишларга бардош беради.

Институт «Вибротехника» секторининг илмий раҳбари, профессор К. Рагульскисинг айтишича, янги моторлар станоксозлик ва ҳисоб техникасида, қўйилмалар олишда, ҳар хил микроманипуляторларни ясашда, медицина ва биологияда қўлланади.

М. ШЕЙНБЕРГАС,
Каунас.
(ТАСС мухбири).

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ КОНКУРСИ

НАШРЛАРНИ бадиий жиҳатдан яхши безаш ва полиграфик жиҳатдан тайёрлаш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ конкурсининг жюриси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган энг кўркам китоб номини айтиб беради. СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Маданият ходимлари касаба союзиМарказий Комитети, полиграфия ва нашриётлар илмий-техника жамияти марказий правлениеси бу конкурсни эълон қилди.

Бу йил мамлакатдаги барча республикаларда юбилей санасига бағишлаб чиқарилган китоблар, открыткалар ва сиёсий плакатлар конкурса тақдим этилади.

Конкурсга 1 ноябрга бориб якун ясалади. Энг яхши маҳсулот чиқарган нашриёт ва босмахоналарга дипломлар берилади.

(ТАСС мухбири).

СИБИРДА «БАҲОР»

РЕСПУБЛИКА халқ рассоми, давлат мукофоти ва республика мукофотининг лауреати Ч. Ғ. Аҳмаров бошчилигидаги Ўзбекистон рассомларининг бир группаси Красноярскдан қайтиб келди. Улар Енисей соҳилидаги шаҳарнинг энг гўзал проспектларидан бирида қад кўтарган «Баҳор» чойхонасини безаб бердилар.

Чойхона баҳорни эслатадиган тусда пардоз қилинганлиги унинг номига мос тушади. Ҳар учала зал ҳам ўзбек миллий услубида безатилган бўлиб, деворларида раққослар, созандалар, «Наврўз» байрамида шодхуррам халқ, яшнаб турган богдаги қиз тасвирланган.

Тошкент театр-рассомлик институтини яқинда битириб чиққан С. Раҳмонов ва Э. Назаров деворларга нақш солишган. Машҳур уста М. Усмонов шогирдларидан иборат бу бригада З. Юсупов раҳбарлигида ганч ўймакорлиги билан шуғулланди.

«Баҳор» чойхонаси — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига Красноярск аҳолисига Ўзбекистон рассомларининг туҳфасидир.

(ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

БИРИНЧИ ДАВРА МУЛОҲАЗАЛАРИ

✦ ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ ЎЗАРО БАҲСИ. ✦ ЎТГАН ЙИЛГИ НАТИЖАЛАР ТАКРОРЛАНДИ. ✦ ИККИ ЙЎЛЛАНМАГА ДАЪВОГАРЛАР. ✦ ОЧКОЛАР ВА ТЎПЛАР ҚИММАТИ.

МАМЛАКАТ футбол чемпионатининг биринчи лигаси қатнашчилари мавсум ярмига якун ясашди. Биринчи давранинг ўйинларини таҳлил қилишдан олдин футбол мухлисларни эътиборини ўтган йили биринчи даврадан сўнг кучли олтмликка кирган командаларнинг эришганлари ўрнига жалб этмоқчимиз.

Биринчи-учинчи ўринларни эгаллаган командалар ўтган йилдагидек 27 ва 25 тадан очко тўплашди. Минск динамочилари 27 очко билан карвонбошн бўлишди. Тўғри, ўтган мавсум да «Қайрат» биринчи даврада «Шинник» билан бўлган ўйинни кечиктирган бўлиб, йўқотилган очколар жиҳатидан «Пахтакор»дан бир очкога устун эди.

Тошкентлик футболчилар ўтган мавсумнинг биринчи ярмидагидек бу сафар ҳам 19 учрашувда 25 та очко тўплашди. Тўплар нисбатига келганда эса ҳужумчиларимиз учта кам тўп киритишган бўлса, тўп ўтказиб юборишда ўтган йилги натижа такрорланди.

Хўш, командамизнинг ўйинички! Бир йил давомида асосий составни деярли сақлаб қололган пахтакорчилар ўйинида қандай ўзгариш бўлди! Футболчиларимиз маҳорати ошдими! Улар ўз ўйинлари билан мухлисларини мамнун эта олишдими! Ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Энг аввало ҳар бир команда олдида турган ўзга майдон муаммосини тошкентликлар бу йил бир мунча ижобий ҳал қилишган кўринади. Бу борада ўтган йилги натижа билан бу йилги кўрсаткич ўртасида катта фарқ бор. Агар ўтган чемпионатнинг биринчи ярмида пахтакорчилар сафарда 9 та учрашув ўтказиб, бунинг атиги биттасида устун келишган, беш ўйинни дуранг қилишган ва уч марта мағлубиятга учрашган бўлса [тўплар нисбати 9—10] бу йил 10 та учрашув ўтказиб, бунинг иккитасида ғолиб келишди, 7 та ўйинни дуранг қилиб, фақат бир марта ютқазишди, холос. Лекин ўз майдонида қўлга киритилган очколар жиҳатидан бу йилги кўрсаткич ўтган йилдагига тенглаша олмайди. Ўн учрашувда атиги икки очко йўқотган «Пахтакор» бу йил ўз майдонида тўққиз ўйин ўтказиб, 4 очко йўқотди.

Футболчиларнинг маҳоратига келганда шуни таъкидлаш лозимки, ўйинчиларнинг ҳаммаси ҳам масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ўйнашяпти деб бўлмайди. Мавсумни кўтаринки руҳда, баҳамжиҳат бўлиб бошлаган пахтакорчилар мағлубият нималигини билмай қаторасига 13 учрашувда 20 очко тўплашди. Лекин ўз майдонида «Нистру» билан ва айниқса, сафарда «Помир» билан бўлган ўйинда галабага эришгиёқ, масъулиятни ҳис этиш, жон куйдириш сезилмади. Ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган тошкентлик футболчилар бу учрашувларда ўйинда бурилиш ясашга ҳаракат ҳам қилишмади деса бўлади. Айниқса, тажрибали М. Ан ҳамда В. Федоровлар ана шундай кезларда командадош дўстларига ўрнак бўлишлари лозим эди. Сўзсиз қобилиятли ҳужумчи В. Федоров ҳар қандай пайтда рақиб дарвозасини таҳликага солиши мумкин. Бу футболчимиз ҳамиша бир текисда ўйнамаяпти.

Футбол ишқибозлари ва мутахассислари олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланманинг бирига эга бўлиш учун камида 52—53 очко тўплаш керак дейишмоқда. Агар футболчиларимиз иккинчи даврани ўта ўйинини ўз майдонида ўтказишларини ҳисобга оладиган бўлсак, футболчиларимиз йўлланмани берувчи мўлжалланган очкони тўплай олади лар, деб умид қилиш мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, командада ўринбосарлар масаласига жиддий эътибор берилмаяпти. Мана бир неча мавсумдирки мастерлар командаси ҳузурида ги футбол мактаби паёқатли ўринбосарлар етказиб бераолмаяпти. Командамизнинг эртанги куни ҳақида ҳам жиддий қайғуриш керак.

Иккита йўлланмага 4—5 команда жиддий даъвогар бўлиб турибди. Белоруссия футболчилари сўнгги икки турда муваффақиятсизликка учраган бўлсалар-да, биринчи даврада бир текисда ўйнадилар. «Нистру», «Пахтакор», Москванинг «Спартак», Симферополнинг «Таврия» командалари ҳам олий лигага чиқишга даъвогардирлар. Иккинчи давра ўйинларини баҳамжиҳат ўтказган, ўз майдонида ҳам, сафарда ҳам ҳар очко ва тўп учун астойдил курашган командагина бу орзуга ета олади.

Командаларнинг биринчи даврада эгаллаган ўринлари қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Динамо» [Мн]	19	26—9	27
«Пахтакор»	19	26—11	25
«Нистру»	19	24—17	25
«Кузбасс»	19	31—21	24
«Спартак» [М]	19	35—26	23
«Таврия»	19	23—14	22
«Уралмаш»	19	28—26	22
«Терек»	19	33—22	21
«Помир»	19	28—21	21
«Шинник»	19	23—20	20
«Торпедо»	19	16—22	18
«Спартак» [И-Ф]	19	19—25	16
«Динамо» [Л]	19	22—29	16
«Металлург»	19	13—20	16
СКА [Р]	19	16—23	16
«Кривбасс»	19	25—28	15
«Спартак» [Ор]	19	22—30	15
«Колхозчи»	19	20—35	15
«Рубин»	19	18—32	14
«Звезда»	19	12—29	9

«Пахтакор» иккинчи даврани нинг дастлабки ўйинларини 22 июлда Ленинградда ва 26 июлда Минскда маҳаллий динамочилар билан ўтказади.

Ш. УМУРЗОҚОВ
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Мактабларда қўнғироқлар овози тинганига анча бўлди. Лекин ўқувчилар қаҳ—қаҳаси ҳамон эшитилб турибди. Пойтахтимиздаги сўлим ва хушҳаво мактаблар ҳузурида пионер лагери ташкил этилган. Фақат Октябрь райониннг ўзидагина очилган 20 та ана шундай пионер лагерларида 2 мингдан зиёд ўқувчилар ҳордиқ чиқаришмоқда. Улар Тошкент области бўйлаб тез—тез экскурсиялар уюштириб турибди, турли тўгараклардa қатнашишмоқда, спорт турлари бўйича кучларини синаб кўришяпти.

Юқори синф ўқувчилари учун эса меҳнат ва дам олиш

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

лагерлари мавжуд. Шаҳар яқинидаги сабзавотчилик хўжаликларида ташкил этилган 4 та меҳнат ва дам олиш лагерларида 1200 дан зиёд ўқувчилар ҳордиқ чиқариб, дала меҳнаткашларига етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан кўмаклашишмоқда. Шу кунгача ўқувчилар сабзавоткорларга 500 тоннадан зиёд карам, помидор, картошка, олма ва бошқа ёз ноз-неъматларини йиғиб-териб беришди. Калинин районидаги «Москва», «Назарбек» ҳамда «Хасково» совхозларида кўмаклашаётган ўқувчилар яна камида 700 тонна ҳосилни териб олишга аҳд қилишган.

С. СУЛТОНОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРҚАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Чақириқ (телеспектакль). 12.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Меҳнатинг — иқболинг. 15.40 — Биз табиат билан танишамиз. 16.00 — А. С. Макаренко ижоди. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Горнчилар қаердасиз! 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Спортлото. 20.10 — Концерт. 20.35 — Октябрнинг илҳомбахш намунаси. 20.50 — Тунги қўнғироқ (бадиий фильм). 22,00 — «Вақт». 22.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.15 — Фильм-концерт. 12.45 — Одерда баҳор (бадиий фильм). 18.30 — Шоирлар — болаларга. 19.00 — «Ешлик». 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.45 — Ахборот. — 20,00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги. 20.30 — Ортиқ Отажонов куйлайди. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Уруш ва тинчлик (бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.25—«Альбатрос»нинг сўнгги рейси» (бадиий фильм, 3-серия). 20,30 — Янгиликлар. 20.50 — Реклама. 21.00 — «Халқ хизматида». 21.30 — Химия.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—«Изотоп» кафеси (катта зал), Меҳробдан чайён (кичик зал, кундуз ва кечкурун).

Атиги бир тун —«НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАПКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

Сўнган гулханлар тафти — «ДРУЖБА» (11, 14, 10, 17, 20.00), «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Атиги бир тун —«ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Кенгуру — «ХИВА» (21, 22.30.)

Тошкент Тўқимачилик комбинати қошидаги 85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ тўқимачилар ва йигирувчилар тайёрлайдиган группаларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Мутахассислик билан бирга ўрта маълумот берадиган группаларда ўқиш муддати 3 йил.

ЎҚУВЧИЛАР КУНИГА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ИШ ҲАҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИ МАЪЛУМОТИ БИЛАН КИРГАНЛАР КОМБИНАТ ҚОШИДАГИ ИШЧИ-ЕШЛАР МАКТАБИНИНГ 9-СИНФИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Аризага қуйидаги ҳужжат, лар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиғи тўғрисидаги справка (справка формасини билим юрти беради), турар жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: 700092, Тошкент шаҳри-92, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 03518. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1666.